

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

АБРАРОВА МАХИНА ФАТХУЛЛАЕВНА

**XX – XXI АСР КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ
ИЖОДИЁТИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

17.00.02 – Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
Автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению
Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history

Абрарова Махина Фатхуллаевна

XX-XXI аср композиторларнинг адабий-танқидий ижодиётида
миллий ва умуминсоний тамойиллар..... 3

Абрарова Махина Фатхуллаевна

Национальные и общечеловеческие принципы в литературно-критическом
творчестве композиторов XX-XXI веков..... 21

Abrarova Makhina Fathullaevna

National and universal principles of literary-critical creative work of composers
of the XX-XXI century 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

АБРАРОВА МАХИНА ФАТХУЛЛАЕВНА

**XX – XXI АСР КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ
ИЖОДИЁТИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

17.00.02 – Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San30 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.konservatoriya.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳамидова Марфуа Азизовна
санъатшунослик фанлари доктори

Мурадова Дилора Аҳмедовна
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Санъатшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.11.2017.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ кuni соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур райони, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53; факс:(99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертацияси билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтохур райони, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)239-46-53.

Диссертация автореферати 201 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Н.Азимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Г.А.Турсунова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Р.Ю.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон композиторлик ижодиёти серкатлам ва серуслуг соҳа сифатида муסיқашуносларнинг илмий изланишлар олиб боришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Композиторларнинг яратган муסיқий асарларидан ташқари уларнинг қаламига мансуб адабий – танқидий мероси тадқиқ этилиши асосида муаллифларнинг тафаккури ва ижодий тамойиллари, услуби, ёзув техникаси, мавзу ва жанрлар камрови, муסיқий ифода воситалар тизимини аниқлашда устувор жиҳатларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда XX аср ва XXI аср боши муסיқа ижодиёти ва тарихида шаклланиб тараққий этган неоклассицизм, неофольклоризм, сериализм, додекафония, аллеаторика каби оқим ва йўналишларда жанр, техника услуби, танқидий мерос, эссе, хат, мемуар, архив материалларида замонавий муסיқага композиторларнинг танқидий баҳоси, ўтмиш ва замон ижодига муносабат, муаллифлик асарлари, санъат муаммолари, муסיқанинг ижтимоийлашуви бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамиятга моликдир. Европа муסיқа маданиятида муסיқий асарлар яратиш билан бирга, илмий – танқидий ижодиёт билан шуғулланган бир қатор композиторлар ном қолдирдилар. XX асрда композиторлар томонидан муסיқа санъатининг қонуниятларини идрок этишга эҳтиёж ортди. Муסיқа яратиш услубининг ўзгарувчанлиги, кўплаб ижодкорларни инновациялар мазмунини тушунтириб беришга ундади. Шу жиҳатдан композиторлар илмий таҳлилий меросининг янги қирраларининг муфассал тадқиқ этилиши, замонавий санъатшунослик соҳасида ижодий мерос, анъана, композиторлик услуби, мактаблари ва йўналишларини ўрганиш заруриятини изоҳлайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятларга эътибор кучайди, анъаналарнинг тикланиши муסיқа санъатида ҳам ўз моҳиятига эга бўлди. «Ўзбек халқининг миллий муסיқий мероси ва жаҳон муסיқа маданияти дурдоналари негизида муסיқа санъатини ривожлантириш, муסיқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бунда аксарият композиторлар фаолиятида тафаккур шаклланиши, унинг ривожланишини тизимлаштириш, оғзаки анъанадаги муסיқага тадқиқотчилик нуқтаи назаридан ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги «Болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3178-сон қарори. Электрон ресурс: <http://lex.uz/docs/3300309>. Мурожаат санаси: 04.12.18.

2435-сон, 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3178-сон, 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида»ги ПҚ-3022-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида»ги ПҚ-3391-сон, 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида»ги ПҚ-3920-сон Қарорларида белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.Шёнберг, Б.Барток, К.Шимановский, А.Онеггер, П.Хиндемит, Ф.Пуленк, О.Мессиян, И.Стравинский, С.Прокофьев, Э.Денисов, С.Слонимский каби Европа композиторлари мусиқа ижодиёти борасидаги фикрлари баён этилган¹

В.Успенский, А.Козловский, М.Бурҳонов, М.Ашрафий, Т.Қурбонов, Р.Абдуллаев каби Ўзбекистон композиторлари ижодида мусиқий танқидий мерос ёритилган².

М.Тожиев, М.Бафоев, Р.Абдуллаев, Д.Сайдаминова, Н.Ғиёсовларнинг оммавий ахборот воситаларидаги ҳамда учрашувлардаги маърузалари таҳлил этилган³.

¹ Шёнберг А. Стилъ и мыслъ. – М., 2006. – 372 с., Барток Б. Избранные письма. – М.: Сов. композитор, 1988. – 288 с., Шимановский К. Избранные статьи и письма. – Л.: Музгиз, 1963. – 253 с., Онеггер А. О музыкальном искусстве. – Л.: Музыка, 1979. – 204 с., 2.70. Онеггер А. Я – композитор. – Л.: Музгиз, 1963. – 206 с., Хиндемит П. Статьи и материалы. – М.: Сов. композитор, 1979. – 422 с., Пуленк Ф. Я и мои друзья. – Л.: Музыка, 1977. – 158 с., Мессиян О. Я отдаю предпочтение ритму// Музыкальная академия. – М., 2003. – №3. – 35 с., Стравинский И.Ф. Диалоги. Воспоминания, размышления, комментарии. – Л.: Музыка, 1971. – 414 с., Прокофьев С.С. Материалы. Документы. Воспоминания. – М.: Музгиз, 1961. – 708 с., Денисов Э.В. Современная музыка и проблемы эволюции композиторской техники. – М.: Сов. композитор, 1986. – 207 с., Слонимский С.М. Бурлески, элегии, дифирамбы. – Санкт-Петербург, Композитор, 2000. – 367 с.

²Успенский В.А. Научное наследие, воспоминания современников, композиторское творчество. Письма. – Ташкент: ГИЛИ имени Г.Гуляма, 1980. – 384 с., Козловский А.Ф. Отражение тембров узбекских народных инструментов в симфоническом оркестре. // Ст. в сб. Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. – Ташкент: ГИЛИ имени Г.Гуляма, 1964. – с.140-155., Бурҳонов М. Қўнгил хазинаси (Бурхоннома). – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1998. – 127 б., Ашрафи М.А. Музыка в моей жизни. – Ташкент: ГИЛИ имени Г.Гуляма, 1975. – 183 с., Курбанов Т. Полифония дарслиги. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1989. – 122 б., Абдуллаев Р. Опера драматургияси. – Тошкент: ЎзДК тахрир-нашриёт бўлими, 2007. – 90 б.

³Таджиев М.М. Время обязывает // Правда Востока. –Ташкент, 1987. – 8 декабря. – с. 2., Бафоев М. Ёш бастакорларни тарбиялашда чолғулаштириш фанининг ўрни. // Мусиқа ижрочилиги ва педагогикаси масалалари. IV-тўплам. – Тошкент: Темирийўлчи, 2003. – Б.71-81., Р.Абдуллаев // «Бастакор» кўрсатуви. – Тошкент: 2016. Д.Сайдаминова билан суҳбат. –Тошкент: 2016., Н.Ғиёсов билан суҳбат. – Тошкент: 2017.

М.Ашрафий, Г.Мушель, Т.Қурбонов, Н.Ғиёсовларнинг архив материалларида композиторларнинг шахсий ёзувлари ўрганилган¹.

Н.Шахназарова композиторларнинг назарий тадқиқотлари асосида эстетик қарашларни, Е.Мейке композиторларнинг оғзаки анъанадаги муסיқага тадқиқотчилик нуқтаи назаридан ёндашувини тадқиқ этган².

XX аср композиторларнинг илмий ижодий мероси, уларнинг белгиланган йўналишдаги фикрлари юқорида қайд этилган ишларда ёритилган бўлса-да, бироқ муסיқашунослар томонидан тўлиқ комплекс тарзда XX аср ва XXI аср боши композиторларининг адабий-танқидий ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар бўйича илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Миллий ва жаҳон муסיқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг илмий-ижодий тамойиллари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ва XXI аср боши композиторларининг адабий-танқидий ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар моҳиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

XX аср ва XXI аср боши композиторларининг белгиланган доирадаги ёзма ва оғзаки равишда билдирган фикрларини ўрганиш орқали назарий қарашларни умумлаштириш;

ўтган аср композиторларининг фольклор ва мустақил ижодий тафаккур муаммосига оид таҳлилларини умумлаштириш;

анъана ва замонавийлик муаммосини композиторлик қарашлари кесимида аниқлаш;

миллий ва умуминсоний ижодий тамойиллар инъикосини композиторлар кузатув ва таҳлиллари мисолида умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср ва XXI аср бошида ижод этган айрим композиторларнинг илмий-танқидий мероси, архив материаллари, миллийлик ва умуминсонийлик борасида билдирган, ёзма ва оғзаки фикрларини тизимлаштириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети XX аср ва XXI аср боши композиторларнинг муסיқа ижодиёти борасидаги танқидий қарашлари, ёзма манбалари, архив материаллари, ёзишмалари билан белгиланади.

¹ Ашрафий М. Музей архиви материаллари.; Бастакорлар уюшмаси фонди № 494-460 Стенограммалари.; Фанлар Академияси қошидаги СИТИ қўлёзмалар фонди.; Қурбонов Т. шахсий архив материаллари.; Ғиёсов Н. шахсий архив материаллари.

² Шахназарова Н. Проблемы музыкальной эстетики в теоретических трудах Стравинского, Шёнберга, Хиндемита. – Москва: Сов. композитор, 1975. – 237 с.; Мейке Е.С. Исследовательский подход композиторов к музыке устной традиции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ташкент, 1990. – 25 с.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: таққослаш, диахроник, мажмуавий ва тизимли ёндашувларни қўллаш, қиёсий-тарихий, типологик методлари, назарий-таҳлилий, муסיқий-танқидий методлар, жанр, услуб, интонацион ва этимологик таҳлиллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

замонавий композиторларнинг муסיқа ижодиёти масаласига оид оғзаки ва ёзма манбалар (эссе, хат, мемуар, китоб ва дарсликлар)да «фольклор ва композитор», «анъана ва замонавийлик», «миллий ва умуминсоний тамойиллар» каби масалаларнинг устуворлиги аниқлаштирилган;

Венгрия композитори Б.Барток ва Ўзбекистон композитори В.Успенскийнинг ижодий фаолиятида ўзга миллат фольклори, фортепиано учун рапсодия, пьеса муסיқий жанрлари бўйича умумий жиҳатлар ҳамда ритмик хатолар, эркин талқин ёндашуви бўйича фарқли жиҳатлар аниқлаштирилган;

Ўзбекистон композиторлари ижодидаги неоклассицизм анъаналари Шарқ ва Ғарб кесими бўйича ўзига хос синтез асосида яратилганлиги исботланган;

миллий ва жаҳон композиторлик услублари асосида фольклор ва композитор, анъана ва замонавийлик, миллий ва умуминсоний тамойиллар бўйича XX аср ва XXI аср боши композиторларининг муסיқа ижодиёти аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

композиторларнинг муסיқа ижодиёти борасидаги танқидий фикрлари, Б.Барток ва В.Успенскийларнинг муסיқий фольклорга оид қарашлари тизимлаштирилган;

Европа мумтоз муסיқа анъаналарининг миллий композиторлик мактабларига таъсири тавсифланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методлар ва назарий ёндашувларни қўллаш, расмий манбаларга таяниш орқали мустаҳкамланган; Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқув жараёнида, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ишларида алоҳида йўналишда жорий этилган; «Бастакор», «Мактуб» телекўрсатувлари дастурларидаги композиторлардан олинган интервьюлар ва суҳбатлар; тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти композиторларининг муסיқа ижодиёти борасидаги фикрларининг илмий тавсифи шу йўналишда бажарилажак янги тадқиқотлар учун назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий натижалари амалиётдаги муסיқашунос ва композиторлар учун услубий кўрсатмалардан ўрта ва олий махсус таълим

муассасаларида «Жаҳон муסיқа тарихи» ва «Ўзбекистон муסיқа санъати» каби ўқув фанларининг маъруза ва амалий машғулоти мазмунида қўлланиши, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашуви билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. XX-XXI аср композиторларининг адабий-танқидий ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

замонавий композиторларнинг муסיқа ижодиёти масаласига оид оғзаки ва ёзма манбалар (эссе, хат, мемуар, китоб ва дарсликлар)да устуворлиги аниқлаштирилган «фольклор ва композитор», «анъана ва замонавийлик», «миллий ва умуминсоний тамойиллар» каби масалалардан «Санъатшуносликка (муסיқашуносликка) кириш» ўқув қўлланмасининг «Муסיқа танқидчилигига кирадиган фанлар» бобида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-02-1661-сон маълумотномаси). Натижада талабалар композиторларнинг илмий мероси ижод жараёнини англашга хизмат қилган;

Венгрия композитори Б.Барток ва Ўзбекистон композитори В.Успенскийнинг ижодий фаолиятида аниқлаштирилган ўзга миллат фольклори, фортепиано учун рапсодия, пьеса муסיқий жанрлари бўйича умумий жиҳатлар ҳамда ритмик хатолар, эркин талқин ёндашуви бўйича фарқли жиҳатлардан «Бастакор», «Мактуб» телекўрсатувларининг сценарийларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат телеканали» давлат унитар корхонаси 2018 йил 20 июндаги 01-16/339-сон маълумотномаси). Натижада композиторларнинг илмий-тадқиқот ишларида очилмаган қирраларга ёш мутахассислар эътиборини жалб қилишга хизмат қилган;

Ўзбекистон композиторлари ижодидаги неоклассицизм анъаналари Шарқ ва Ғарб кесими бўйича исботланган ўзига хос синтездан 2017-2018 йиллар мобайнида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида мажлисларида фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси 2018 йил 3 июлдаги 184-сон маълумотномаси); Натижада композиторларнинг муסיқа ижодиёти борасидаги фикр ва қарашларига доир янги тасаввур ва хулосаларга эга бўлишига хизмат қилган;

миллий ва жаҳон муסיқий-композицион услублари асосида фольклор ва композитор, анъана ва замонавийлик, миллий ва умуминсоний тамойиллар бўйича аниқлаштирилган XX аср ва XXI аср боши композиторларнинг муסיқа ижодиётидан «XX аср муסיқаси» лойиҳа доирасидаги концерт дастурларида фойдаланилган (Ўзбекистон оркестрлари бирлашмасининг 2018 йил 4 июлдаги 181/1-сон маълумотномаси); Натижада муסיқа ихлосмандлари орасида XX аср ва XXI аср боши композиторларнинг муסיқа ижодиёти оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилиш даражаси, манбалар, диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, диссертация объекти, предмети, методологияси, тадқиқот натижалари ва ҳимояга олиб чиқилган ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқотнинг илмий фарази (гипотеза), илмий-назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертация тузилиши ёритилади.

Диссертациянинг биринчи боби **«Оғзаки анъанадаги мусиқа композиторлик ижодиёти кесимида»** деб номланиб, мазкур бобда XX асрда мусиқашунос ва композиторлар томонидан яратилган мазкур мавзудаги илмий - ижодий ишлар тавсиф ва таҳлил қилинган.

Фольклор ва мустақил ижодий тафаккур ҳануз охиригача ўрганилмаган демак, долзарблигини йўқотмай келаётган муаммолардандир. Халқ бадиий анъаналари доиман мусиқа санъати ривожига туганмас мусаффовларчи булоқ бўлиб хизмат қилган ва қилади. Шу билан бирга, касбий ижодиётнинг мусиқий - сахнавий, вокал ва кўшиқчилик кўринишларида катта аҳамият касб этган. XX асрнинг таниқли симфониячиси, катор истеъдодли композиторлар (хусусан, М.Тожиев, М.Маҳмудов)ларни етиштирган Р.Вильданов – «Ўзбек миллий мусиқа имкониятлари нақадар кенгки, ҳали узоқ вақт давомида бир неча авлод композиторлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилишга қодир»¹-дея эътироф этгани бежиз эмас.

Мусиқашунослар томонидан тадқиқ этилган тадқиқотларда ўтмиш композиторлари асарлари таҳлил этилиб, уларни фольклордан фойдаланишлари қуйидагича таснифланади: биринчидан, халқ куйларини иқтибос тарзида келтириш; иккинчидан, алоҳида оҳанг, куйларни қўллаш; учинчидан, халқ йўлига яқин куйларни яратиш. Кўриб чиқилган манбалардан, шуниси маълум бўлдики, мазкур тасниф доим ҳам амалиётда

¹Р.Вильданов. Фольклор – источник вдохновения. // Комсомолец Узбекистана. 25 сентябрь, 1980 г.

керакли натижаларни беравермайди. Шу боис, композиторларнинг фольклордан ижодий фойдаланишларини тўлақонли ўрганиш учун янги таснифотни ишлаб чиқиш зарур.

Муסיқий фольклор ва композитор масаласига доир қатор атоқли композитор ва муסיқашуносларнинг мазкур йўналишдаги илмий ишлари таҳлил қилинган. Композиторлик ижодиёти ҳамда илмий йўналиш соҳасида баракали фаолият кўрсатган Б.Барток, З.Кодай, Б.Асафьев каби олим ва композиторларнинг илмий мероси таҳлил қилинган. Муסיқашунослар И.Земцовский ва Г.Головинскийларнинг «Фольклор ва композитор», «Композитор ва фольклор» китоблари тавсифи келтирилган.

Б.Барток ва В.Успенский ижодий тажрибаларидан қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

биринчидан, ҳар иккала композитор ижодий фаолияти давомида этнография билан жиддий шуғулланиб, халқ меросини ўрганишни ҳаётининг мазмунига айлантирганлар.

иккинчидан, улар ўзларини моҳир созанда сифатида ҳам намоён этдилар.

учинчидан, Б.Барток ва В.Успенский деярли бир хил жанрларга мурожаат этдилар.

тўртинчидан, ҳар иккала композитор илмий ижодиёт соҳасида ҳам қалам тебратдилар. Китоб ва мақолаларида муסיқа ижодиёти, ўтмиш ва замондошлар асарларига илмий баҳо бердилар.

бешинчидан, педагогик мақсадларни кўзда тутган болалар учун асарлар ҳар иккала композитор меросида бор.

олтинчидан, Б.Барток тажрибаси нафақат Венгрия балки, Европа маданиятида ҳам аҳамият касб этганидек, В.Успенский фаолияти нафақат Ўзбекистон балки, Марказий Осиё, қолаверса, композиторлик ижодиёти шаклланган Шарқ мамлакатлари учун ибрат бўла олади.

Еттинчидан, фольклоршунослик фаолияти Б.Бартокни ижодий эркинликка чиқишига сабаб бўлган бўлса, В.Успенскийга ҳалақит бериб, маълум даражада чегаралаб қўйган.

В.Беляев ва В.Успенскийларнинг бир-бирларга ёзган хатларда, этнографик фаолият батафсил ҳикоя қилинган. Тадқиқотчи улар орқали фольклор материални тўплаш услуби, ёзиб олиш ва тадқиқ этиш жараёни ҳақидаги маълумотларни топди.

Академик ва композитор Б.Асафьев фикрича, халқ ижодиёти намунаси билан ишлаш жараёнини янада эркинлаштириш учун уч тўсиқдан ўтиш зарурлигини таъкидлаган. Булар: а) фольклор – соф, мусаффо булоқ суви каби тоза эканини англаш; б) композитор нозик дид ва зий раклик билан фольклорга ёндашиши заруриятини тан олиш; в) йирик шаклдаги асар ёзишдан, халқ қўшиқларига мурожаат этиш мураккаброқ эканини англашдан иборат. Фикримизча, академик қайд этган уч тўсиқни, бугунги кунда ижод қилаётган композиторларимиз ҳам енгиб ўтишлари долзарбдир. Зеро,

Б.Асафьев композиторларни уларни ўраб турган борлиқ, ҳаёт учун асарлар яратишга чорлайди.

Таъкидлаш жоизки, илк мартаба айнан композиторларнинг мусиқа ижодиёти борасидаги фикрлари тўпланиб, илмий асосланди. Мусиқа яратишдек, мураккаб жараёнда ғоя шаклланиши, уни мусиқий товушлар ёрдамида ташкил этиш, кўп жиҳатдан, композиторнинг дунёқараши, тафаккури, бадиий дидига боғлиқ бўлиб, оғзаки фикр билдириш, ижодиётга илмий ёндашиш ҳам асар сифатига бевосита таъсир этиши аниқланди. Композиторларнинг эстетик ва этик қарашлари ижод жараёнининг ўзига хос томонларини, асл моҳиятини тушунишга ёрдам бериши тадқиқот натижаларидан маълум бўлди.

Мусиқий мерос масалалари Ўзбекистон композиторлари таҳлилида Ўзбекистон композиторлик мактабининг шаклланиши илк паллаларида сермахсул ва сермазмун ижод этган А.Козловский, Г.Мушель, И.Акбаров каби композиторларнинг «фольклор ва композитор» мавзуси кесимидаги фикрлари тадқиқ қилинади. Замоनावий композиторлар ижодида фольклорга янгича муносабат кузатилиши таҳлил натижасида маълум бўлди. Жумладан, Р.Абдуллаев, Ҳ.Раҳимов, А.Ҳошимов, О.Абдуллаева ижодида наинки, миллий фольклоримиз анъаналари, яқин ва хориж халқлар мусиқа меросига мурожаатлари ижобий натижа бераётгани аниқланди. Бунга сўнгги йилларда яратилган Р.Абдуллаевнинг «Тайланд оҳанглари», Ҳ.Раҳимовнинг «Корейс мавзуларидаги фантазия», А.Ҳошимовнинг уйғур муқомлари асосидаги «Мушоврак» симфонияларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Демак, композиторларнинг фольклор материалига мурожаатлари борасидаги шахсий ёзма ва оғзаки фикрларига кўра, халқ ижодиёти намуналари композиторлар асарларига бевосита ижодий таъсир қилади. Унинг бойитилиши ва ривожланишида салмоқли ўрин эгаллайди. XX-XXI аср боши ижодкорларининг бу масалага муносабатлари XIX аср етук рус композиторлари М.Глинка, М.Мусоргский, М.Балакирев ижодий қарашларини узвий давом эттиргани аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«XX аср композиторлари наздида анъана ва замонавийлик масалалари»** деб номланиб, мазкур бобда жаҳон композиторлик мактабларида неоклассицизмнинг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон композиторлари ижодиётида Европа мусиқа анъаналари ўрганилган.

Композиторлик ижодиётида муайян анъаналарга таянмай, бугунги, қолаверса, яқин келажакдаги ижодий жараёнларни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, XX аср инглиз композиторлик мактабининг асосчиларидан бири Р.Воан-Уильям – «Ижодий анъана – она қирғоқдир, ундан узоқлашиб кетиш – услубий таназзулга олиб келиши аниқ»¹ – деган фикри ниҳоятда тўғридир. Мазкур давр кесимида ижодий анъаналарни тиклаш, санъат ривожининг

¹Vaughan Williams. National music and other essays, L.,1963 Становление музыки, Москва. 1961.

муайян йўли деб белгиланиб, натижада, неоклассицизм, неоромантизм, неофольклоризм каби йўналишлар узил - кесил шаклланди.

Неоклассицизмнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, у салафларга мурожаат этиш орқали, миллий муסיқий тамойилларни тиклашга хизмат қилади. Германияда П.Хиндемит, Э.Кшенек, М.Буттинг ва бошқалар - И.С.Бахнинг чолғу асарлари анъанасига; Италияда А.Казелла, Ф.Малипьеро, О.Респиги ва бошқалар - А.Вивальди - чолғу концертлари, қадимги итальян операсига; Францияда К.Дебюсси, М.Равель, Ф.Пуленк, А.Онеггер - қадимги француз сонатаси, қисман бўлса-да, клавесин мусиқаси, хусусан дастурли минниатюралар ва нисбатан эркинроқ Ж.Б.Люлли опералари тамойилларига мурожаат этганликларини кузатиш мумкин. «Муסיқий энциклопедик луғат»нинг сўнгги нашрларидан бирида неоклассицизм иборасига «XX асрнинг 20–30 йиллари мусиқасидаги йўналиш, барокко, эрта классицизм ва кечки Уйғониш даври жанр ва услубларига мурожаат»¹ тарзида таъриф берилган. Назаримизда, ушбу таърифда ўтмишга мурожаат қилувчи ҳар бир неоклассик композиторнинг ижодий услуби эътибордан четда қолган. Шу боис, таърифнинг сўнгги қисмини «... жанр ва услубларга ижодий ёндошув» қўшимчаси билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Неоклассицизмга хос қадимги йўналиш ва жанрларни эркин қўллаш айнан XX аср иккинчи ярми мусиқасининг белгиловчи қиррасига айланди. Бу мусиқа ўзида ўтмиш анъаналарини, бадий йўналиш) билан бирга уйғунлаштирди. Масалан, Бразилия композиторлик мактаби асосчиси Э.Вилла-Лобос (1887-1959) «Бразилия бахианалари» деб номланган асарларида юқори бадий савияда И.С.Бах полифоник шакли бўлмиш фугани – бразил халқ мусиқаси жанри – модинья билан, П.Хиндемит (1895 - 1963) аскарлар маршини- пассакалья билан уйғунлаштиришга эришишган. Булардан фарқли ўлароқ, замонавий итальян композитори Г.Петрасси қадимги ракс сюитасини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Натижада, унинг ракс жанрлари (гальярда, чакона, жига) даги Партита асари юзага келди. Бу бўлимда, И.Стравинский, К.Шимановский, Б.Бриттен, А.Казелла, Ф. Пуленк каби композиторларнинг неоклассицизм йўналишидаги фикрлари ва асарлари таҳлил қилинади. Бу бўлимда қуйидаги хулосаларга келинди.

Неоклассицизм – ўтган асрларда эришилган ютуқларни ўзида жамлаб, миллий мусиқа маданиятлари ривожига муҳим ўрин эгаллади. Бу йўналишда яратилган асарлар турли стилистик катламларни ўзида мужассамлаштирди. «Партита», «Кончерто-гроссо», «Прелюдия ва фуга» ва бошқа асарлар яратилиши қадимий жанрларнинг тикланишининг далилидир. Полифоник ёзув техникасига мурожаат XX аср учун одатий ҳолга айланди.

Демак, неоклассицизм биринчидан – барокко даври услуб, шакл, жанр, мусиқий тилини тиклаш билан боғлиқ. Иккинчидан, XX аср композиторлик

¹ Музыкальный энциклопедический словарь. Москва: Сов. Энциклопедия, 1991. – С.379.

ижодида қадимий мусиқани тиклаш; учинчидан, қадимий ва замонавий композиторлик техникасини уйғунлаштириш демакдир.

Неоклассицизм – турғунлик, гўзаллик ва оптимистик руҳиятни илгари суради. Айниқса, Ўзбекистон композиторлари учун Вена классиклари санъатига мурожаат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон композиторлари яратган соната, симфония, концерт, кватрет ва бошқа кўплаб асарлар бунинг ёрқин инъикосидир.

Ўзбекистонда неоклассицизм йўналишида – Г.Мушель, Н.Зокиров, Ф.Янов-Яновский, Т.Қурбонов каби композиторлар ижод этдилар. Дастлаб неоклассицизм аломатларини Н.Зокиров (1942-2003) ижоди мисолида кўриб чиқамиз. Композитор классик анъаналарни замонавий санъат билан уйғунлаштиради. Н.Зокировнинг камер асарларидан саналмиш, фортепиано сонаталари мисолида бу жараёни яққол кузатиш мумкин. Мазкур сонаталар туркуми Вена классик сонатаси анъаналарини давом эттириши ва муҳими, ўзбек чолғу мусиқа меросига таяниши билан диққатга сазовордир. Соната қисмлари ва яхлит туркумни ҳосил қилишда мақом санъатига хос анъанавий-хона-бозғўй структураси қўлланилган. Ўзбек миллий чолғулари – карнай, дутор, чанг имитациясидан ижодий фойдаланилган. Замонавий композиторлик техникасига хос сонористика, алеаторика каби услублар композитор томонидан моҳирона намоиш этилган.

Қилинган таҳлиллар натижасида, неоклассицизмнинг XX аср Ўзбекистон мусиқа санъатида етакчи ўрин эгаллагани аниқланди. Неоклассицизмни қуйидаги тамойиллар билан ўзаро алоқасисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди:

Барокко, кечки Ренессанс ва эрта классицизм даври услуби, шакли, жанри, тили тикланиши

Қадимий мусиқанинг услуб, шакл, жанр жиҳатларини қайта англаш, замонавийлаштириш, XX аср композицион воситаларини самарали қўллаш; (Г.Мушель, Н.Зокиров, Ф.Янов-Яновский, Т.Қурбанов ва бошқалар. XX-XXI аср боши Ўзбекистон композиторларининг неоклассик асарларида қадимий мусиқани гармониялаш ва XX аср техникасидан фойдаланган ҳолда миллий модернизациялаш;

М.Друскин таъкидлашича, неоклассицизм услуби ўз ичига турли услубий моделларни уйғунлаштирган «конденсатни» ташкил этиб, унинг асосида композиторларнинг ғоя ва шакллар борасидаги синтези, дунёқарашини кенгайтириши ва касбий маҳоратни юксалтиришга ундади. Бу борада композиторларнинг мусиқа ҳақидаги фикрлари амалий аҳамият касб этиб, технологик жараённинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга қаратилган. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари илмий-назарий, ижодий-технологик аҳамиятга эга бўлиб, композиторларни тўғри йўл топишга, янги ғоялар шакллантирилишига асос бўлади.

Композиторлик ижодиётининг шаклланиш паллаларида Ўзбекистонда ижод қилган Георгий Мушель импрессионизм ҳақида «Композиторлик техникаси - мураккаб ғояни мусиқий образга айлантира олиш қобилиятидир»¹- деб бежиз ёзмаган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон композиторлари асарларида импрессионизм ўзининг ранг-баранг бўйёқлари ва нозик рухий жилолари билан муносиб ўрин эгаллади. Москва консерваториясининг битирувчилари А.Козловский ва Г.Мушель ўзларининг ижодий услубларини излаш жараёнида айнан импрессионизм аънаналарига таянганликлари маълум. Импрессионизм йўналишида қатор рассомлар санъат асарларини яратдилар. Табиат манзаралари композиторларни ушбу йўналишда асарлар ёзишга илҳомлантиради. Бадиий- тасвирий ва мусиқий импрессионистик қаторнинг ўзаро боғлиқлиги ўзбек композиторларининг табиат манзараларига бағишланган асарларида ўз аксини топди. Импрессионизмнинг жадал суръатларда мазкур ҳудудда ёйилишида унинг оптимистик руҳияти, эзгуликни тараннум этиши муҳим омил ҳисобланади.

Жумладан, Г.Мушель ўзининг «Автобиографик парчалар»ида шундай ёзади: «Пейзажларимда турли бўёқларнинг жозибасини кўрсатишга ҳаракат қилар эдим. Менинг тасвирий санъатга муносабатим мусиқамга ҳам бевосита таъсир ўтказди»². Бу борада композиторнинг ўша паллада яратилган нозик импрессионистик бўёқларга бой биринчи симфониясини эслаш жоиз.(1938 йил) Г.Мушельнинг бундай чинакам ижодий ва ижобий жараёни шубҳасиз, ёш композиторлар асарларини яратишда ўрнатилган бўлиши мумкин. Зеро, санъатларнинг муштарақлиги етук асарлар яратилишига замин бўлади.

Тарих зарварақалари шундан далолат бердики, етук композиторларгина мактаб ярата оладилар. Улар шакллантирган аънаналар замондош ҳамкасбларга, келгуси авлодларга маънавий ва ижодий озуқа манбаини ўтайди. Ана шундай истеъдодли, ўз йўналиши, ва ижодда «ўз сўзига» эга бўлган, XX асрда ўчмас из қолдирган композитор Д.Шостаковичдир. Унинг асарлари жаҳон композитори ижодига ниҳоятда катта таъсир ўтказгани вақт ўтган сайин янада исботланмоқда. XX асрнинг дарға композитори Д.Шостакович аънаналари жаҳон композиторлари ижодида кўриб чиқилиб, композиторларнинг бу борадаги фикрлари муфассал умумлаштирилган. Д.Шостакович аънаналари Озарбайжон, Грузия, Прибалтика, Ўзбекистон композиторлик мактаби вакиллариغا изчил таъсир ўтказган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Композиторлик ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар**» деб номланиб, мазкур бобда миллийлик ва умуминсонийлик масалалари ҳамда янги давр Ўзбекистон композиторлари ижодида миллийлик ва умуминсоний қадриятлар инъикоси таҳлил қилинган. Мусиқада миллийлик – умуминсоний масалалардандир. Айнан ўтган асрда турли миллат композиторлари ижодида миллийлик глобал масала даражасига

¹Г.Мушель. Автобиографик парчалар. Тошкент: Санъатшунослик институти. №483. 1959. Б.4.

²Мушель Г.А. Автобиографик парчалар. – Тошкент : 1959. – СИТИ № 483. Б.2.

кўтарилгани бежиз эмас. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, композитор Р.Абдуллаев – «Миллий маданиятимизнинг тикланишини – дунё халқлари маданияти ва санъатидан ажрим ҳолда тасаввур этиб бўлмайди»¹- дейди.

Ўзбек симфоник муסיқасининг ёрқин намояндаси М.Тожиев – «Маълумки, муסיқа географик ва миллий чегараларга эга эмасдир. Унинг юқори бадий намуналари барчага бирдек очиқ бўлиб, умумжаҳон бойлигини ташкил этади. Муסיқа ҳақидаги барча суҳбатлар, унинг умуминсонийлик жиҳатида бўлади. (Албатта, ҳаваскорона асарлар эмас, балки юқори бадий даражадаги ҳақиқий санъат асарлари назарда тутилмоқда). Муסיқа ривожини учун қаратилган барча саъйи-ҳаракатлар унинг умуминсонийлик хусусиятларини юксалтиришга қаратилган бўлади»². Ҳақиқатан ҳам, XX асрда Ўзбекистон ҳудудида турли миллат вакиллари ижод этиб, уларнинг ижодий ҳамкорликлари ҳар қайси миллат муסיқасини тўлдириб, бойитишга хизмат қилди.

Муסיқада миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг уйғунлиги, пировард натижада, ўлмас асарлар яратилишига хизмат қилади. Миллийлик хусусиятлари эса, аввало халқ оҳанглари замирида ётади. Халқ оҳанглари унинг дунёқараши, турмуш тарзи руҳияти ила йўғрилгандир. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, халқ оҳанглари умуминсонийлик хусусиятларига ҳам эгадир. Зеро, инсонлар турли миллат ва элатга мансуб бўлиб, ҳар хил тилларда сўзлашсаларда, уларни бир хил кечинмалар, бир хил муаммолар ташвишлантиради. Шундай экан, кичик ҳажмли халқ оҳангида ҳам умуминсонийлик хусусиятлари мавжуд. Турли миллатлар муסיқий «луғат»ини таҳлил қилиш натижасида, улардаги лад тизими, оҳанг ривожини, муסיқий ифода воситалари, шакл ва жанр ўхшашлиги, маълум маънода уларнинг умуминсонийлик тамойилларини шакллантириши маълум бўлди.

XX асрда ҳаётнинг шиддатли ривожини муסיқа санъатининг тараққиётига олиб келди. Замонавийлик жиҳатлари муסיқага ҳам бевосита таъсир ўтказди. Янги мавзулар композиторлардан муסיқий ифода воситаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Халқ муסיқа меросига муносабат ўзгарди. Янги муסיқий шакл ва жанрлар юзага келиб, муסיқани мантиқий ривожлантириш услуби мураккаблашди. Буларнинг барчаси миллий муסיқа яратилишига замин яратди. Шу боис, С.Прокофьев, Д.Шостакович, Р.Шчедрин – рус; А.Бабабджанян, Э.Мирзоян, Э.Оганесян – арман; К.Караев, У.Гаджибеков – Озарбайджон; М.Ашрафий, М.Бурҳонов, С.Бобоев, И. Акбаров – ўзбек;

¹Муаллифнинг Р.Абдуллаев билан 2015 йил ноябрда ўтказган суҳбатидан.

²Таджиев М. Время обязывает- // Правда Востока. 8 декабрь 1987г.

Е.Рахмадиев, Г.Жубанова – қозоқ; Н.Жиганов, А.Монасипов, Р.Беляловлар – татар композиторлик мактаблари намоёндалари сифатида танилдилар.

Шуни хулоса қилиш ўринлики, композитор ижод маҳсули умуминсоний мавқега эга бўлиши учун, у аввало миллий хусусиятларни ёрқин намоён этиши шарт. Бироқ, ҳар қандай миллий асар ҳам умуминсоният меросига айланмаслигини амалиётнинг ўзи намоён этмоқда. Бу даражадаги асар яратиш учун, ижодкор юқори касбий маҳоратга, кенг дунёқарашга эга бўлиши, ўлмас анъана ва умуминсоний қадриятларга таяниши лозим. Миллий ва умуминсоний тамойиллар уйғунлашган асарлар жаҳон мусиқа санъатининг чинакам дурдонасига айланиши, шубҳасиздир.

Композиторларнинг ижодий тафаккури кенгайишида, илмий салоҳиятини юксалтириш, ўз асарлари, замондошлар асарларига муносабат билдириш ниҳоятда зарурдир. Зеро, ижод соҳибларининг қимматли фикр-мулоҳазалари санъат асарларини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

ХУЛОСА

«XX–XXI аср композиторларининг адабий-танқидий ижодиётида миллий ва умуминсоний тамойиллар» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XX–XXI аср бошида ижод этган етук композиторларнинг мусиқа ижодиётига оид «мусиқий фольклор ва композитор», «анъана ва замонавийлик», «миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари» борасидаги фикрларини таҳлил этиш натижасида, бу мавзуларнинг доимо долзарблиги ва уларга қизиқиш тобора ортаётгани маълум бўлди. Композиторларнинг қимматли фикрлари, мусиқий танқидчилик соҳасини қолаверса, бевосита композиторлик ижодиётини ривожланишида катта аҳамиятга эга. Мавзунинг кенг қамровлилиги, тўпланган нашрларнинг турли жанрларда экани, оғзаки чиқишлар ва суҳбатлар, архив материаллари синчковлик билан ўрганишни, таснифлиш ва қиёслаш усулларининг қўлланишини талаб этди.

2. Таъкидлаш жоизки, илк маротаба айнан композиторларнинг мусиқа ижодиёти борасидаги фикрлари тўпланиб, баҳоли кудрат илмий асосланди. Мусиқа яратишдек, мураккаб жараёнда ғоя шаклланиши, уни мусиқий товушлар ёрдамида ташкил этиш, кўп жиҳатдан, композиторнинг дунёқарashi, тафаккури, бадиий дидига боғлиқ бўлиб, оғзаки фикр билдириш, ижодиётга илмий ёндашиш ҳам асар сифатига бевосита таъсир этиши аниқланди. Композиторларнинг эстетик ва этик қарашлари ижод жараёнининг ўзига хос томонларини, асл моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

3. Оғзаки анъанадаги мусиқани композиторлик ижодиёти кесимида таҳлил этар эканмиз, технологик янгиликларнинг кириб келиши, композиторлик ёзув техникаси такомиллашуви натижасида бу мавзунинг янада долзарблиги аён бўлди. Янги давр доимо долзарб муаммонинг янги

қирралари очилишига сабаб бўлганини кўрсатди. Р.Абдуллаев, Ҳ.Раҳимов, А.Ҳошимов, Д.Амануллаев, Ф.Алимов, М.Отажоновнинг фикрлари ва бевосита асарларида этномусиқашуносликдаги янгиликлар, фольклордан фойдаланиш йўлларининг такомиллашувини кузатиш мумкин. Ушбу композиторлар учун фольклор шунчаки, халқ ижодиёти намунаси бўлиб қолмай, чинакам илҳом манбаидир.

4. Ўзбекистон композиторлик мактаби вакиллари фольклордан фойдаланиш йўлида бир неча мураккаб босқичларни босиб ўтдилар. Аввал фольклорни цитата сифатида қўллашдан бошланган услуб, кейинчалик, қайта оҳанглаш, фольклор йўналишида мустақил муаллифлик асарини ёзишгача бўлган босқичларни босиб ўтди. Т.Ғофурбековнинг “фольклор эстрадизацияси” атамаси ҳам мусиқашунослик амалиётига изчил кириб келгани бежиз эмас. Зеро, мазкур атама Д.Амануллаева, Н.Норхўжаев, А.Икромов асарлари ва уларнинг фикрлари, эстетик қарашларида яққол намоён бўлади.

5. Бугунги кунда фольклорга янгича, ижодий ғоя сифатида ёндашув намоён бўлмоқда. Буни М.Бафоев, А.Латифзода, П.Медюлянова асарлари мисолида кузатиш мумкин. Улар билдирган оғзаки фикрларидан, халқ меросини семантик кўп маъноли эканини англашлари маълум бўлди. Маълум ижодий тамойилларига таянмай, янги принциплар, яъни эркин тизимлар, бадиҳагўйлик, идеал - тембр ғояларига асосланиш шулар жумласидандир. Тадқиқот натижасида, композиторларнинг фольклорга ижодий ёндашувлари замонавий миллий санъат истиқболларини белгилаши мумкин эканлиги аниқланди. Бу назарий асосланган концепция бўлиб, фольклорга мурожаатнинг чуқур илмий ўрганилиши самарасидир. Замонавий композиторлар фольклордан иқтибос, услуб, шакл сифатида фойдаланиш билан чегараланмай, уни асар яратиш жараёнида устувор ғоя даражасига кўтармоқдалар. Бундай ёндашувнинг асл моҳияти халқ ижодиёти намунасини қайта оҳанглаш, уни ифода этишнинг янги йўлларини излаш, абадий ҳақиқатнинг янгича талқинидир. Шундай қилиб, «Фольклор ва мустақил ижодий тафаккур» мавзусини ёритиш, нафақат композиторларнинг муסיқа яратиш жараёнлари ривожда аҳамиятли, балки назария, фикрларни англаш, мулоҳаза юритишда ҳам муҳимдир.

6. Диссертацияда Б.Барток ва В.Успенский ижодий фаолияти, улар қолдирган адабий мерос ўрганилиб, қиёсий таҳлил натижасида умумийлик қонуниятлари аниқланди. Таъкидлаш ўринлики, XX аср биринчи ярмида В.Успенский бошлаб берган, қадимий анъаналарни тиклаш бўйича иш, мустақиллик йилларида янада авжланди. Фольклор ва композитор икки томонлама, бир-бирига ўзаро таъсир этувчи алоқалар жараёнини акс эттириб, уларнинг муносабатлари ижобий натижа бериши муқаррар. Янги аср бошида фольклор-композиторлик ижодида қатор янги оҳанглар тизимининг ўзига хос жонли лабораториясига айланди. Замонавий композиторлар фольклорга

мурожаат этиш баробарида, уни халққа қайтариб, миллий анъаналар тикланишига, халқ ижодиётининг янада бойишига ҳисса қўшмоқдалар. Мусиқа санъатидаги ушбу йўл неоклассицизм, импрессионизм каби йўналишларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу жараёнда анъана тушунчаси биринчи ўринга қўйилиб, фундаментал таянч вазифасини ўтади.

Бирок, замонавий композиторлар фольклорни жонли ёзиб олишга, чекка вилоят ва қишлоқларга бориб, бевосита фольклор намуналарини тўплашга эътибор қаратмаётганликлари ачинарлидир. Ўйлаймизки, “Халқ ижодиёти” фани курси доирасида кўзда тутилган фольклор экспедиция амалиёти, ёш композиторларимизга келгусида ҳам бу ишни давом эттиришларида пиллапоя бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

7. Жаҳон композиторлик ижодиёти ва хусусан, Ўзбекистон ижодкорларининг фикр ва мулоҳазаларини тадқиқ этиш натижасида, аён бўлдики, улуғ анъаналарга эътиборсизлик қилиш, бадий қиммат мезонларининг бузилишига ва миллий ғурурнинг топталишига олиб келади. Шунингдек, миллий санъатни табиий жараёнлардан, халқаро ижодий алоқа, ўзаро таъсирлардан, у ёки бу унсурларнинг сингдирилишидан беркитиб бўлмайди. Шундай экан, миллий анъаналар борлиқ билан бевосита алоқага киришиб, ижтимоий онгнинг ўсиши, миллий ўзликни англаш, ғоявий ва технологик тараққиёт натижасида бойиб бориб, янги анъаналар юзага келишига омил бўлади.

8. Ўзбекистон композиторларининг анъанага муносабатлари ва илмий қарашлари – тарихан шаклланган турли миллий мактаб вакиллари фикрлари, қолаверса, шахсий ижодий тажрибалари таъсирида шаклланган. Шу маънода, XX аср композиторлари К.Дебюсси, М.Равель, Б.Барток, И.Стравинский, К.Шимановский, Ф.Пуленк, Д.Мийо, О.Мессиян, С.Прокофьев, А.Хачатурян, Д.Шостакович, Г.Свиридов, С.Губайдулиналарнинг адабий мероси диссертация тузилишида катта аҳамият касб этди. Уларнинг мусиқа ижодиёти борасидаги фикрлари, Ўзбекистонлик ҳамкасблариники билан таққосланди. Турли миллий мактаб композиторларининг фикрларини тўплаш, фольклорнинг ижодий талқини, анъана ва замонавийлик, миллийлик ва замонавийлик тамойилларини кенг қўламда тадқиқ этишга ёрдам берди.

9. Композиторларнинг анъанага тадқиқотчилик позициясидан қизиқишлари, назарий асослашга интилишлари, асарлари сифатига салмоқли ҳисса қўшади. Ўзбекистон композиторлик мактаби вакиллариининг илмий мулоҳазалари турлича намоён бўлиб, уларни жанр ва шаклларга таснифланди. Турли шакллардаги чиқишлар, анъана ҳақидаги илмий фикр ва қарашлар махсус адабиётларда пайдо бўлиши, йилдан - йилга ортиб, чуқур мазмун ва моҳиятга эга бўлиб бормоқда. Композиторларнинг илмий фикрларини тўлиқ манзарасини ҳосил этиш мақсадида, имкон қадар давлат ва шахсий архивларидаги ноёб ва нодир қўлёзмаларга мурожаат этилди.

10. Композиторларнинг ижод жараёнига илмий қизиқишлари, асарлари чет элларда юксак баҳоланишига олиб келди. Р.Абдуллаев, Ҳ.Раҳимов,

Ф.Янов-Яновский, Д.Янов-Яновский, М.Бафоев, Ф.Алимов, Д.Сайдаминова.
М.Отажоновларнинг ёрқин ва бетакрор асарлари бунинг ёрқин далилидир.
Шу маънода Ўзбекистон композиторларининг ўз ижодларини назарий
асослаб беришга уринишлари жаҳон мусиқа маданияти тамойилларига мос
келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНОЙ СТЕПЕНЕЙ
PhD29.11.2017.San.54.01 ПРИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ
КОНСЕРВАТОРИИ УЗБЕКИСТАНА**

ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОНСЕРВАТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА

АБРАРОВА МАХИНА ФАТХУЛЛАЕВНА

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ В
ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКОМ ТВОРЧЕСТВЕ КОМПОЗИТОРОВ
XX–XXI ВЕКОВ**

17.00.02 – Музыкальное искусство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ИСКУССТВОВЕДЕНИЮ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по искусствоведению зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.4.PhD/San30

Диссертация выполнена в Государственной консерватории Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.konservatoriya.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель

Гафурбеков Тухтасин Батырович
доктор искусствоведения, профессор.

Официальные оппоненты:

Хамидова Марфуа Азизовна
доктор искусствоведения, профессор.

Мурадова Дилора Ахмедовна
кандидат искусствоведения, профессор

Ведущая организация:

Институт искусствознания

Защита диссертации состоится «__» _____ года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению научной степени PhD 29.11.2017. San.54.01 при Государственной консерватории Узбекистана по адресу: 100027 г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Алмазар, дом 1. Тел: (99871) 239-46-53; факс (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Государственной консерватории Узбекистана (зарегистрировано под номером____) по адресу: 100027 г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Алмазар, дом 1. Тел: (99871) 239-46-53; факс (99871) 244-53-20, E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола № ____ от _____ 2018 года)

А.Н.Азимова
Председателя Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор искусствоведения, профессор

Г.А.Турсунова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
искусствоведения, доцент

Р.Ю.Юнусов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, кандидат
искусствоведения, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировое композиторское творчество представляет собой многогранную область искусства, с множеством стилей и направлений, которое вызвало необходимость широких научных изысканий музыковедов. На основе изучения не только авторских композиторских произведений, но и литературно-критического наследия, появляется возможность исследовать музыкальные средства выразительности, жанровое многообразие, технику письма, методы, творческие принципы и оригинальное мышление авторов. Это имеет значимую роль в определении приоритетных направлений в научных исследованиях.

В истории мирового музыкального искусства XX го начало XXI века сформировались и получили развитие такие прогрессивные для своего времени течения как неоклассицизм, неофольклоризм, сериализм, додекафония, аллеаторика. Наряду с этим развивались технические приемы, критическое наследие, эссе, письма, мемуары, архивные материалы, критическая оценка композиторов к современной музыке, отношение к прошлому и настоящему, авторские произведения, проблемы искусства, социализация музыкального искусства изучение которых являются важным для научных исследований. В европейской музыкальной культуре ряд композиторов оставили свой вклад не только в виде музыкальных сочинений, но и в виде научно-критического наследия. В связи с этим возрасла потребность в осмыслении композиторами законов музыкального искусства. Многообразие способов и методов создания музыки, сподвигло многих авторов к объяснению творческих инноваций. В свете вышеизложенного, исследование новых граней научно-аналитического наследия композиторов, даст возможность изучить творческое наследие, традиции, композиторский стиль, школы и направления в современном искусствознании.

В годы независимости в Узбекистане особое внимание уделяется национальным и общечеловеческим ценностям, это имеет огромное значение в воссоздании традиций в музыкальном искусстве. «Развитие музыкального искусства на базе национального музыкального наследия нашего народа и ярких достижений мировой музыкальной культуры, подъем музыкального образования на качественно новый уровень»¹ Весьма актуальным является систематизация формирования и развития мышления композиторов, исследовательский подход к изустно-традиционной музыке.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в ряде принятых постановлений Президента Республики Узбекистан, а именно № ПП-2435 «О государственной программе, рассчитанной на 2016-2020 годы по дальнейшему

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года « О мерах по дальнейшему развитию совершенствованию деятельности Государственной консерватории Узбекистана»ги ПП-3178. Электронный ресурс: <http://lex.uz/docs/3300309> . Дата обращения: 04.12.18.

усовершенствованию детских школ и искусств» от 20 ноября 2015 года, ПП-3178 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию деятельности Государственной консерватории Узбекистана» от 8 августа 2017 года, ПП-3022 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию сферы культуры и искусства» от 31 мая 2017 года, ПП-3391 «О мерах по дальнейшему развитию Узбекского национального искусства маком» от 17 ноября 2017 года, ПП-3920 «О мерах по инновационному развитию сферы культуры и искусства в Республике Узбекистан» от 26 августа 2018 года, а также, других нормативно-правовых актов, касающихся деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями «Развития науки и технологии республики 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Мысли о музыкальном творчестве европейских композиторов таких как: А.Шёнберг, Б.Барток, К.Шимановский, А.Онеггер, П.Хиндемит, Ф.Пуленк, О.Мессиаан, И.Стравинский, С.Прокофьев, Э.Денисов, С.Слонимский выражены в эпистолярном наследии¹

Освящено музыкально-критическое наследие композиторов Узбекистана - В.Успенского, А.Козловского. М.Бурханова, М.Ашрафий, Т.Курбанова, Р.Абдуллаева².

